# ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси билан яратилган ушбу мажмуа лойиҳаси «Тошкент бошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилган. Мажмуа ҳар бири 7 қаватли 8 уйдан иборат бўлиб, уйларнинг биринчи ва иккинчи қаватларида ижтимоий-маиший, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган.

Уйлар автомобиль магистралидан 24,5 метр ичкарида қурилгани хонадонларни кўчадаги автомобиллар шовқинидан ҳимоя қилиш имконини беради. Алишер Навоий кўчаси ва уйлар ўртасида каштан кўчатлари ўтқазилган хиёбон ташкил этилди. Бу, табиийки, мажмуадаги савдо ва маиший комплексларга келганлар учун ҳам қатор қулайликлар яратади. Бинолар фасад қисмининг дастлабки икки қавати қизил гранит, кейинги беш қавати оқ кристаллит ойна билан қопланган.

Ҳар бир уй икки блок-секциядан иборат бўлиб, битта блок-секцияда 20 хонадон, битта уйда эса уч, тўрт ва беш хонали 40 хонадон жойлашган. Хонадонлар кенг, шифтлари баланд, ёруғ ва шинам, бемалол яшаш учун ҳар жиҳатдан қулай. Меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона, ювиниш хонаси халқимизнинг турмуш тарзига мос ҳажмда ва тартибда лойиҳалаштирилган. Уй тарҳи хоналарни икки томонлама шабадалатиш имконини беради. Ҳаво ҳарорати ва намлигини бир маромда сақлаш тизими шифт орасидан ўтказилган ва шу билан мазкур тизим ортиқча жой эгаллашининг олди олинган. Санузел хоналари подъезд томондаги деворга туташтириб қурилгани хоналарни подъезддаги шовқиндан ҳимоя қилади. Бундан ташқари хонадонлар «Домофон» тизими билан таъминланган, девор ва полларни пардозлаш ишларида замонавий материаллардан фойдаланилган.

Подъездларни пардозлаш ишлари ҳам юксак даражада бажарилган. Зиналарга жилов беришда замонавий керамик плиталар ва силлиқланган гранит плиталар ишлатилган. Ҳар бир уйда 1000 килограмм юк кўтариш қувватига эга замонавий, икки томонлама эшикли лифтлар ўрнатилган. Лифтлар кабинаси кенг ва шинам.

Уйларнинг ҳовли томонидаги каштан, қарағай, эман каби дарахтлар экилган, кенглиги 32 метрни ташкил қилувчи кўкаламзорлаштирилган ҳудуд кўзга қувонч бағишлайди. Ушбу яшил ҳудуд ва унинг атрофида микроиқлим ҳосил қилиш мақсадида фавворалар қурилган, болалар учун ўйин ва спорт майдончалари яратилган. Хиёбонда замонавий ёритиш ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари ўрнатилган.

– Янги йил байрами арафасида пойтахтимиз марказида бунёд этилган мана шундай замонавий уйга кўчиб ўтганимиз оиламиз учун унутилмас воқеа бўлди, – дейди янги хонадон соҳибларидан бири, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи ўринбосари Ўктам Қурбонов. – Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов оилаларни, хусусан, ёш оилаларни мустаҳкамлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Оиламизнинг имтиёзли шартлар асосида Европа мамлакатларидаги энг замонавий уйлардан сира қолишмайдиган турар жойга эга бўлгани ана шу юксак ғамхўрликнинг, юртимизда инсон омилига нақадар катта аҳамият берилаётганининг яққол намунасидир.

– Менинг ёшлигим ушбу янги иморатлар тушган ерларда ўтган, – дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Дегрез маҳалла фуқаролар йиғини раиси Марат Ғуломов: – Ўша даврларда кўчанинг бир томони эски ҳовлилардан иборат, иккинчи томони эса жарлик, турли зарарли ва заҳарли ҳашаротларнинг уяси эди. Шаҳар марказидаги бундай кўримсиз ва бефайз манзара одамнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмасди, албатта. Кейинчалик кўча юзида бир-биридан хунук, омонат савдо дўконлари қурилди. Аммо уларнинг орқа томони жарлигича, хилватлигича қолаверди. Дўконлардан чиққан турли чиқиндилар кўчадаги санитария ҳолатини янада ёмонлаштирарди. Бугун биз кўриб турган мана бу манзара эса мўъжиза! Қисқа вақт ичида бу ерда мана шундай обод маскан – замонавий турар жой биноларининг барпо этилиши истиқлолимиз шарофатидан, Юртбошимизнинг халқимиз манфаатларини таъминлаш борасида юритаётган изчил сиёсати самараларидандир.

– Янги уйларда биз, аёллар учун яратилган қулайликларни илгари фақат орзу қилиш мумкин эди, холос, – дейди хонадон соҳибаси, Чилонзор туманидаги 126-мактаб ўқитувчиси Бибидона Мирзаева. – Кенг ва шинам меҳмонхона, ошхонада яратилган қулайликлар, бу ердаги замонавий жиҳозлар ҳар қандай уй бекасининг ҳавасини тортиши шубҳасиз. Фарзандларимизнинг дарс тайёрлаши, дам олиши учун ҳам барча шароит муҳайё. Яна бир қулай томони тўрт хонали уйимизда учта ювиниш хонаси бор. Бу – уйни лойиҳалаштиришда халқимизнинг урф-одатлари, ўзига хос турмуш тарзи билан боғлиқ жиҳатлар эътиборга олинганидан далолатдир. Бундай ғамхўрлик учун Президентимиздан жуда миннатдормиз.

– Бу ерда илгари электр техникаси ва маиший товарлар билан савдо қиладиган дўконлар жойлашгани боис кўчанинг транспорт юрадиган қисмида доимо тирбандлик юзага келарди, – дейди тадбиркор Анора Эрназарова. – Йўллар ёқасида машиналар турнақатор бўлиб турар, улар транспорт воситалари ва йўловчиларнинг ҳаракатига тўсқинлик қиларди. Дўконларнинг ташқи кўриниши, пиёдалар учун мўлжалланган йўлкаларга бетартиб қўйиб ташланган маҳсулотлар ҳам пойтахтимизнинг умумий қиёфасини жуда бузиб турарди. Дўконлар тор, истаган нарсани топиш азоб эди. Энди манзара тамоман ўзгарган. Илгари биз ҳавас қилган чет элдаги савдо қаторларидан ортиқ бўлса ортиқки, кам жойи йўқ. Кирган одамнинг баҳри дили очилади. Кўплаб турдаги электр техникаси ва маиший маҳсулотлар, мебель ва гиламлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, китоблар, парфюмерия, пойабзал маҳсулотлари билан савдо қилувчи, болалар учун ихтисослаштирилган кенг ва ёруғ дўконларда харидор учун ҳам, сотувчи учун ҳам барча шароит ва қулайликлар яратилган. Харидорлар машиналарини қўйиши учун алоҳида жой ажратилган. Буларнинг ҳаммаси одамларимизнинг маданияти, жумладан, савдо маданияти янада юксалаётганидан далолатдир. Зеро, Президентимиз айтганидек, бизнинг ҳеч кимдан, ҳеч бир соҳада кам жойимиз йўқ.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий номи билан аталувчи кўчани маржонга тизилган марвариддай безаб турган янги уйлар ўз эшикларини очди. Халқимиз бунёдкорлик салоҳияти ва эзгу орзулари ифодаси сифатида бундай иморатларнинг бунёд бўлгани ўзига хос рамзий маънога эга. Зеро, Ватанимиз буюк аждодларимиз орзу қилганидек тобора юксалиб бормоқда. Одамларимизнинг бахтли ва фаровон ҳаётига хизмат қилувчи, бинокорлик соҳасида янги бир даврни бошлаб берган бу уйларнинг фойдаланишга топширилиши билан истиқлолимиз солномасидаги яна бир бунёдкорлик йили – Обод турмуш йили бошланмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**
**Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат**



## ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГИЯ ТИЗИМИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Мамлакатимизда энергияга бўлган эҳтиёж йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу эса энергия таъминоти тармоғини мунтазам ривожлантиришни тақозо этмоқда.***

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан ташкил этилган "Ўзбекистон энерготизимида 2012 йил давомида амалга оширилган ишлар, хусусан, ишга туширилган янги объектлар» мавзуидаги матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Бугун Ўзбекистонда электр энергиясига бўлган талабнинг энг катта қисми ишлаб чиқариш соҳалари ва аҳоли эҳтиёжлари ҳиссасига тўғри келади. Яъни, ишлаб чиқарилган электр энергиясининг 39,2 фоизи саноат ишлаб чиқариш корхоналарига, 27,3 фоизи аҳолига, 23,1 фоизи эса қишлоқ хўжалиги тармоқларига, қолган қисми коммунал-маиший хизмат ва транспорт, қурилиш ҳамда бунёдкорлик муассасаларига етказиб берилади.

Анжуманда 2012 йилда мавжуд электр станцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, янгиларини барпо этиш борасида 38 та йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётгани таъкидлаб ўтилди. Қуввати 450 МВтлик иккита буғ-газ қурилмасини қурган ҳолда Толимаржон ИЭСни кенгайтириш, Ангрен ИЭСда кул миқдори юқори бўлган кўмир ёқишга мўлжалланган, энергоблок қуввати 130-150 МВтли қурилма қуриш, Сирдарё ва Янги Ангрен ИЭСлари орасида 500 кВли ҳаво линияларини тортиш, электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, Янги Ангрен ИЭСнинг 1-5-энергоблокларини йил бўйи кўмир ёқишга ўтказиш ишлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Ривожланиш ва тикланиш фондининг маблағлари жалб қилинган ҳолда Тошкент шаҳрида ток трансформаторларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Навоий ЭИЗда электрон ҳисоблагичлар тайёрлашни йўлга қўйиш каби йўналишларда жами 239,13 млн. долларлик 7 та инвестицион лойиҳа устида иш олиб борилгани ҳақида маълумотлар берилди.

— Тармоқларни, гидроэлектр станцияларни янгилаш бўйича бир неча лойиҳалар амалга оширилмоқда, — дейди компаниянинг электр тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиқ ўринбосари Улуғбек Ҳакимов. — Бундай лойиҳаларнинг компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан ва хорижий инвестицияларни киритиш йўли билан амалга оширилаётганини айтиб ўтиш мумкин. Хорижий инвесторлардан мисол қилиб Хитой Халқ Республикаси, Жаҳон Банки, Ислом Тараққиёт банки инвестициялари ҳисобига ҳаётга татбиқ этилган бир нечта лойиҳаларни айтиш мумкин. Бошқа соҳалар каби "Ўзбекэнерго" ДАК ҳам 2012 йилни юқори кўрсаткичлар билан якунламоқда. Келгусида ҳам иқтисодиётимизнинг барча тармоқларини, аҳоли истеъмоли учун узлуксиз электр энергиясини етказиб бериш йўлида барча чораларни кўрамиз.

Анжуман давомида "Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси ўринбосари Рўзиқул Раимовнинг «2012 йил Инвестиция дастурининг бажарилиши ва ишга тушган объектлар тўғрисида», Навоий ИЭС лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи раҳбари Санжар Абдураҳмоновнинг «Навоий ИЭСдаги 478 МВтли янги буғ-газ қурилмаси ҳақида» ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

"Ўзбекэнерго» ДАК фаолиятига бағишланган фильм намойиш этилди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа вакиллари томонидан жавоблар олишди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Пойтахтимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг миллий форуми бўлиб ўтди.***

## НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда жамоат ташкилотлари, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан йигирмадан ортиқ танлов ўтказилиб, ғолибларга 22,5 миллиард сўмдан ортиқ грант маблағлари ажратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида тайёрланган "Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги, "Экологик назорат тўғрисида»ги қонунлар лойиҳасининг ишлаб чиқилгани соҳанинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Бугунги кунда нодавлат ташкилотлар соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни касбга йўналтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш каби катта социал аҳамиятга молик муҳим дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Жорий йилда ҳам фуқаролик жамияти институтлари томонидан ушбу йўналишларда кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилди.

Форумда 2012 йил давомида фаол иш юритган ўттиздан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фахрий ёрлиқ ва махсус совғалар билан тақдирланди. Навбатдаги ижтимоий лойиҳалар танловида ғолиб бўлган тўққиз нафар иштирокчига грантлар топширилди.

Тадбир доирасида ҳунармандларнинг ижодий кўргазмаси ташкил этилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Мамлакатимизда сўнгги йилларда транспорт воситалари сонининг кескин ортиши йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан самарали тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ташкил этилган тадбир ҳам «Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, ҳаракат хавфсизлиги ходимларининг масъулиятини янада ошириш масалаларида янги тажриба ва ечимлар» мавзуига бағишланди.***

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
### чора-тадбирлари такомиллашиб бормоқда

Маълум бўлишича, жорий йилнинг ўтган 11 ойи давомида мамлакатимиз йўлларида қўшимча 8911 та йўл белгилари ўрнатилиб, эскирганларининг 22950 таси янгисига алмаштирилган. Шунингдек, чорраҳаларга 35 та янги йўлчироқ қўйилиб, 1015473 квадрат метр йўл чизиқлари чизилган. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, «Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизимини яратиш» лойиҳасини жорий этиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичида Тошкент шаҳрининг транспорт ҳаракати жадаллиги юқори бўлган 100дан ортиқ чорраҳаларида, кейинги босқичларда эса 400 га яқин чорраҳаларда интеллектуал детекторлар, вазиятни узлуксиз кузатиб борувчи видеокамералар ҳамда фуқаролар учун махсус хизматларни чақириш воситалари ўрнатилади. Чорраҳаларда олинган барча маълумотлар Марказий диспетчерлик хизматига узатилади ва бу ердаги видеомониторларга чиқарилади. Тизимга киритилган чорраҳалардаги йўлчироқлар ҳам детекторларда ҳаракат оқими тўғрисида олинган маълумотларни қайта ишлаш орқали автоматик тарзда бошқарилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси бошлиғи Х. Сайдалиевнинг таъкидлашича, 2012 йилнинг 11 ойи давомида жами 3328184 та йўл ҳаракати қоидабузарлиги, жумладан 1285338 та қўпол қоидабузарлик, 43204 нафар маст ҳолда бошқариш, 39321 нафар телефондан фойдаланиш қоида бузилишлари қайд этилган. Шунингдек, 992382 нафар хавфсизлик камаридан фойдаланмаган ҳайдовчилар, 42753 нафар қоидабузар пиёда аниқланди. Олиб борилган профилактик чора-тадбирлар натижасида жорий йил республика ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони 2011 йилга нисбатан 2,9 фоизга, уларда ҳалок бўлган фуқаролар сони 0,1 фоизга, жароҳатланганлар сони 3,2 фоизга камайгани аниқланди.

Матбуот анжумани сўнггида журналистлар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

### Тошкент шаҳар Кенгашида

## ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияларининг қўшма йиғилишлари бўлиб ўтди.***

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йигирма учинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Жумладан, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича; Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича; Саноат масалалари бўйича доимий комиссияларининг ҳамда коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича; Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича ва Ёшлар сиёсати масалалари бўйича доимий комиссияларнинг қўшма йиғилишларида кун тартибидаги масалалар бўйича комиссия аъзолари томонидан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф. Зияев, Архитектура ва шаҳар қурилиши бош бошқармаси бошлиғи А. Таджиев, Молия бош бошқармаси бошлиғи Н. Собиров, Мирobod тумани ҳокимининг ўринбосари О.Абдураҳманов ва Чилонзор тумани ҳокимининг ўринбосари Н. Нуритдинова, «Тошкент почтамти» ОАЖ раиси Ю. Мирсоатов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

Доимий комиссияларнинг қўшма йиғилишида сессия кун тартибига киритилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда ваколат доирасига кирадиган бошқа масалалар муҳокама этилди.

### Янги лойиҳалар

## ТАЖРИБА ВА ИННОВАЦИЯ

***Мамлакатимизда таълим соҳасини қўллаб-қувватлаш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бу йўналишда қатор инновацион лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, турли соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш мақсадида ёшларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Ушбу жараёнларда мамлакатимизнинг нодавлат ўқув ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.***

Жумладан, «Тажриба ва Инновация» лойиҳаси асосида нодавлат таълим муассасаларининг «ATLASKO-EDU» ташкилоти ҳамда «DVV INTERNATSIONAL» Немис ассоциацияси кўмагида Ўзбекистонда биринчи марта 50 ёшдан ошган кишиларга компьютер ва медиа саводхонлик курсларини ташкил этиш борасидаги ғоя илгари сурилди. Мазкур инновацион лойиҳа 2012 йилнинг май ойидан бошлаб, бутун Тошкент шаҳрини қамраб олди. Ушбу фаолият икки асосий йўналиш — давлат ижтимоий дастурлари — Ўзбекистоннинг «Мустаҳкам оила йили» ҳамда Европа Иттифоқининг «Европада ёш ва қари авлодлар бирдамлигини фаоллаштириш» дастурлари бўйича олиб борилди.

Лойиҳанинг якуний анжумани «Пойтахт бизнес маркази» да бўлиб ўтди. Унда бир қатор лойиҳа устида фаолият юритган ходимлар таништириб ўтилди ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Лойиҳа доирасида эликка яқин 50 ёшдан юқори инсонлар ўқитилди. Таълим олувчилар орасида аёллар катта қизиқиш билан фаоллик кўрсатдилар. Ташкилотчилар томонидан тингловчиларнинг эҳтиёжларига мос равишда махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, психолог, педагог, ижтимоийлаштириш ходимлари, компьютер соҳаси бўйича мутахассислар лойиҳа иштирокчиларига бир қанча йўналишлар асосида таълим бердилар.

Таълим дастурларида уч йўналиш мавжуд бўлиб улардан:

Компьютер саводхонлиги йўналишида — лойиҳа қатнашчилари маҳорат билан бир нечта компьютер дастурларини компьютер асосида ўқиб ўргандилар.

Медиа таълим босқичида — Интернет билан ишлаш, унинг қидирув тизимлари, электрон почта очиш ва бошқа бир қанча хизматлар бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилдилар. Бундан ташқари, дўстлар орттириш, узоқда бўлган қариндошлари билан мулоқот қилиш ҳамда ўз қизиқишлари асосида сайт, блог, шахсий веб-саҳифаларни очиш каби хизматларни ўзлаштиришди.

Ижтимоий клуб йўналиши — барча учун қизиқарли бўлиб, бу йўналишда иштирокчилар, психологлар ва ижтимоий ходимлар билан бирга ишладилар. Булардан ташқари турли хилдаги мастер-класслар ўтказилиб, қатнашчилар ўзларининг ички ижодий салоҳиятларини билиб олдилар.

Конференцияда тадбир ташкилотчилари кўргазмалар ташкил этиб, лойиҳа иштирокчилари ўзларининг мустақил ишлари, тақдимот ва бошқа турдаги ижодий ишлари билан қатнашдилар. Тадбир сўнгида, ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва сертификатлар билан тақдирландилар.

— Ушбу лойиҳада WORD, PAINT компьютер дастурлари ҳамда жадваллар билан ишлашни ўргандим, — дейди «Тажриба ва Инновация» лойиҳаси иштирокчиси Дилором Умарова. — Бундан ташқари, бизларга қизиқишларимиз бўйича психологлар дарслар ўтиб, пойтахтимизнинг гўзал, тарихий жойларига олиб боришди. Мазкур жараёнларда ўзимиз каби нафақахўрлар билан дўстлашдик, лойиҳа давомида юзага чиқмаган ички қобилиятларимизни билиб олдик. Бугунги кунда компьютернинг аҳамияти жуда юқори. Шу боис бизга компьютер саводхонлиги бўйича таълим берган лойиҳа ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Б. ТУРОПОВА**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ! 7-АВТОКОРХОНА ЖАМОАСИ



кириб келаётган янги 2013 йил билан

барчангизни чин кўнгилдан муборакбод этади.

Янги йил, янги кун, янги режалару,

қутлуғ қадамлари билан хонадонларимизга

фақат яхшилик ва эзгулик улашсин.

"7-Автокорхона" ОАЖ га "Д" тоифага эга бўлган ҳайдовчилар ишга таклиф қилинади.

Ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи: "Мерседес-Бенц" русумли автобусларда 700-800 минг, "Исузу" русумли автобусларда 500-600 минг сўм.

Автокорхона маъмурияти

Тел: 279-95-34

Хизматлар лицензияланган

## "MILK FRESH" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ 2013 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Обод турмуш йилида дилингиздаги барча эзгу-ниятларингиз амалга ошсин, хонадонингизда тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳукмрон бўлсин!

## KAFOLAT

«Кафолат» Давлат-акциядорлик суғурта компанияси (ОАЖ) жамоаси барча юртдошларимизни янги 2013 йил билан чин дилдан самимий муборакбод этади!

Кириб келаётган янги йил хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, дастурхонингизга қут-барака, қалбингизга қувонч, меҳнат фаолиятингизга улкан зафарлар олиб келишини тилаймиз.

Халқимиз турмуши обод ва фаровон бўлсин!

БАРЧА ТУРДАГИ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТАМИЗ.

Манзил: 100017, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5.

Тел: (+99871) 239-48-81. Факс: (+99871) 239-46-40.

Сайт www.kafolat.uz E-mail: info@kafolat.uz

Хизматлар лицензияланган

## «Ўзбекистон» курорт-соғломлаштириш АЖ

пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларини Янги йил билан табриклайди!

Кисловодск ва Ялтадаги сиҳатгоҳларимизда даволанишга ва ёқимли ҳордиқ чиқаришга таклиф этамиз.

Манзилимиз: Тошкент ш., С. Азимов кўчаси, 65.

Тел.: 233-64-92, 233-55-18.

Хизматлар лицензияланган

# ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни янги — 2013 йил — Обод турмуш йили билан энг эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда кутлаймиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик, яхши кайфият ва омад тилаймиз.

**Дастурхонингиз ҳамиша тўкин, ҳаётингиз фаровон бўлсин, азизлар!**



**«ЎРИКЗОР ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОЗОРИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

# АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Кириб келаётган Янги йил байрами билан барчангизни қизгин муборакбод этиб, Сизларга энг самимий тилакларимизни изҳор қиламиз.

Томингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

**«ТОШКЕНТНОН» НОН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**



# ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, СОҲА ХОДИМЛАРИ!

Барчангизни Янги йил байрами шодиёнаси билан чин қалбдан муборакбод этамиз.

Сизларга бахту саодат, оилавий фаровонлик, мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилаймиз.

Азиз диёримиздан меҳру оқибат, файзу барака ҳеч қачон аримасин!

**“ТОШБОЗОРСАВДО” УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**

# “8-АВТОБУС САРОЙИ” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ

ўзгача шукуҳ билан кириб келаётган Янги 2013 йил билан муборакбод этади. Янги йил янги умидлар, янги режалар, истиқболли, нурли, ёғдули кунларни хонадонларимизга олиб келсин!

Келажагимиз порлоқ, истиқболимиз янада ёрқин бўлсин, азизлар!

# АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни орзиқиб кутилган 2013

Янги йил байрами билан самимий қутлаймиз.

ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИДА СИЗЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, БАХТУ САОДАТ, ХОНАДОНЛАРИНГИЗГА ТИНЧЛИК ВА ФАЙЗУ БАРАКА ТИЛАЙМИЗ!

Қалбингиздан Янги йил шукуҳи ҳеч қачон аримасин!

"СЕРГЕЛИ ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

# ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни кириб келаётган 2013 йил — Обод турмуш йили билан чин қалбимиздан қутлаймиз.

Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, улкан бахту саодат тилаб қоламиз.

Кўнглингиздан нур, қалбингиздан меҳр аримасин!

"НАФИС ОЛАМ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

IPOTEKA BANK

# "IPOTEKA BANK" ЖАМОАСИ БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ

Янги 2013 йил — Обод турмуш йили билан табриклайди.

Файзли юртимиз янги йилда янада обод бўлсин! Осмонимиз мусаффо, турмушимиз фаровон, фарзандларимиз соғ-омон бўлишларига тилакдошмиз.

# „1-АВТОБУС САРОЙИ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Янги йилни янги режалару ойдин орзулар, эзгу ниятлар билан кутиб олаётган ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини чин юракдан табриклайди.

Сизларга омад, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва барча ишларингизда ривож тилаймиз.

2013 йилда дилингизга тугиб қўйган барча ниятларингиз ижобат бўлсин!

OJSC
TOSHRANGMETZAVOD

## “ТОШРАНГМЕТЗАВОД” ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ АЗИЗ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ

*Янги — 2013 йил билан чин дилдан табриклайди!*

*Барчангизга соғлик-омонлик, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатингизда зафарлар тилаймиз.*

*Жаҳон ҳамжамиятида нуфузи тобора ортиб бораётган жонажон юртимиз янада гуллаб-яшнайверсин.*

***Байрамингиз муборак, азизлар!***

## “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

## АЗИЗ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ВА ГЎЗАЛ ШАҲРИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ

*дилларга шодлик улашиб кириб келаётган Янги 2013 йил – Обод турмуш йили билан муборакбод этади.*

*Янги йил юртимизга тинчлик, ҳар бир хонадонга қувонч, ризқ ва барака олиб келсин.*

*Даврий нашрларга обуна бўлишни унутманг!*

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

*Барчангизни кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этамиз.*

**Ушбу қутлуғ айём муносабати билан Сизга ва оила аъзоларингизга куч-ғайрат, шижоат ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.**

**“ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ” УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**

## ХАЛҚАРО “ОЛТИН МЕРОС” ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

*қадрли юртдошларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини обод диёримизга файзу барака бахш этган ҳолда кириб келаётган Янги йил байрами билан чин кўнгилдан табриклайди.*
*Эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги барча ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.*
*Хонадонингизни қут-барака асло тарк этмасин!*

## ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА БЎШ (ВАКАНТ):

**«Чет тиллари»** катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Бухгалтерия ҳисоби»** доцент, катта ўқитувчи; **«Касбий таълим»** ўқитувчи (ассистент); **«Аудит»** доцент, катта ўқитувчи; **«Жисмоний маданият ва спорт»** катта ўқитувчи; **«Банк иши»** катта ўқитувчи; **«Суғурта иши»** доцент, катта ўқитувчи; **«Молия»** доцент, катта ўқитувчи; **«Ўзбек ва рус тиллари»** катта ўқитувчи; **«Ўзбекистон тарихи»** катта ўқитувчи; **«Информацион-коммуникацион технологиялар»** катта ўқитувчи; **«Молиявий таҳлил»** доцент, катта ўқитувчи; **«Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти»** катта ўқитувчи; **«Солиқлар ва солиққа тортиш»** катта ўқитувчи; **«Иқтисодиёт назарияси»** доцент, катта ўқитувчи; **«Бюджет ҳисоби»** катта ўқитувчи; **«Статистика»** катта ўқитувчи; **«Молия бозори ва қимматли қоғозлар»** катта ўқитувчи; **«Минтақавий иқтисодиёт»** катта ўқитувчи; **«Банк ҳисоби ва аудити»** катта ўқитувчи; **«Молиявий менежмент»** доцент, катта ўқитувчи вазифаларига

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А. Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 234-83-99
358-84-08





# БОЛАЛАРГА АТАЛГАН БАЙРАМОЛДИ ДАСТУРИ

***Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳамкорлигида «Болажонлар – болаларга!» деб номланган концерт дастури намойиш этилди.***

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори бу йўналишда муҳим йўналишларни белгилаб берди.

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ёшлар фортепьяно, зарбли, дамли ва торли чолғулар, мусиқа назарияси ва композиция, хор дирижёрлиги каби йўналишларда таълим олишмоқда. Мазкур таълим даргоҳи талабалари хорижда бўлиб ўтаётган кўплаб кўрик-танловлари, санъат фестиваллари ва концертларда совринли ўринларни эгаллаб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

Шу кунларда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Болажонлар – болаларга!» ижодий лойиҳаси доирасида янги йил байрами олдидан маълум дастурга биноан сермазмун концертлар намойиш этилмоқда. Концертларда лицей ўқувчилари ўзбек ва жаҳон бастакорлари асарларидан намуналар ижро этишмоқда.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

***Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида Кенгаш ва «Ўзбекистон — Корея» дўстлик жамияти ҳамкорлигида «Мустаҳкам оила йили»га бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.***

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

# САХОВАТДАН ДИЛ ЯЙРАДИ

Тадбир давомида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ногирон фуқароларга керакли тиббий воситалар, ўриндиқли аравачалар, эшитиш мосламалари, қўлтиқтаёқ ва бошқа жиҳозлар ҳадя этилди. Тадбирда сўзга чиққан дўстлик жамиятлари Кенгаши раиси академик Саидаҳрор Ғуломов йиғилганларни яқинлашиб келаётган Янги йил билан қутлар экан, ногиронларнинг бугунги кунда давлатимиз томонидан кенг имтиёзларга эга эканлиги, меҳмондўст ва бағрикенг халқимизнинг доимо инсонлар орасидаги меҳр-мурувватни биринчи ўринга қўйиши, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган ногирон, ожиз кимсаларнинг кўнглини кўтариб, маҳалла фаоллари турли байрамларда давлатимиз ва саховатпеша инсонлар томонидан ажратилган совғаларни тақдим этишлари ҳақида тўхталиб ўтди.

«NEW HOPE» халқаро хайрия жамғармаси директор ўринбосари Ли Жон Он бугунги кунда ногиронларнинг жисмонан соғлом одамлар бажараётган ишларни амалга оширишга қодирлиги ва уларнинг хоҳ спорт, хоҳ ижтимоий-иқтисодий соҳаларда бўлмасин эришаётган ютуқлари ҳақида фикр юритди.

Меҳмонлар Кенгаш ва «Ўзбекистон — Корея» дўстлик жамияти томонидан ташкиллаштирилган эл суйган санъаткорлар ижросидаги концерт дастурини томоша қилдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Ҳар бир йилнинг ўз унутилмас хотиралари, тимсоллари бор. Ер шари бўйича қанча мамлакат бўлса, ҳар бири халқларининг ўз удумлари, одатлари айниқса Янги йилни кутиб олишларида яққол намоён бўлади.***

# ЯНГИ ЙИЛНИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Мустақил юртимизда Янги йил дастурхони турли хил ноз-неъматларга тўла бўлиши билан бирга байрам кунлари, қариялар, беморларга совғалар улашилади. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ёрдамга муҳтож оилалардаги болакайлар Президент арчаси шодиёналаридан баҳраманд бўлишади.

Айниқса, 2013 йил — Обод турмуш йилида мамлакатимизда ҳар бир жабҳада янгиланишлар амалга оширилиши табиий.

Хорижий мамлакатларнинг халқлари ҳам ўзларининг одатлари, удумларига риоя қилган ҳолда Янги йилни ўзига хос тарзда кутиб олишади.

Масалан, Янги йил Францияда XI асрнинг 80-йилларига қадар пасханинг биринчи кунида, Англия, Дания, Нидерландияда эса Исо пайғамбар таваллуд топган кун тантана билан нишонланган. Кейинчалик давлатлараро маданий алоқалар таъсирида ушбу байрам 31 декабрда нишонланадиган бўлди.

Ажабо, кунчиқар Япония мамлакатида Янги йил гўзал баҳор мавсумида — шафтолилар чаман бўлиб гуллаганда, байрам қилинади. Шу куни японлар назокат ила, нимтабассум-ла бир-бирларига шафтоли гули новдаларини тақдим этишади. Шафтоли гули — бахт, омад, соғлиқ тимсоли.

Мўғулистонда Янги йил дастурхони мол ва қўй гўштидан пиширилган таомлар билан безатилади. Агарда дастурхонга парранда гўштидан тайёрланган таомлар тортилса, хонадондан бахт, омад учиб кетади, деган удумлари мавжуд.

Буни қарангки, Италия халқи байрамни бошқача кутиб олади, Янги йил бонгги тугагунча ўзларига ёқмаган мебель, асбобларни ойналардан кўчаларга улоқтиришсагина деразалардан хонадонга бахт, омад кириб келар эмиш.

Румииния аҳли Янги йил дастурхони атрофида фақат мумтоз қўшиқларнигина куйлаб, бир-бирларини табриклашса, Янги йил бахт, омад, соғлиқ олиб келади, деган тушунча мавжуд.

Бирмаликлар Янги йил бонгги бошланиши биланоқ тугагунга қадар бир-бирларига тўлдирилган фужерлардаги сувни сепишса, уларга албатта, бахт кулиб боқар эмиш.

Болгарияда соат бонгги 12 да янграши билан ҳамма ўрнидан туради, чироқ ўчирилгач, истаган одамдан бўса олишади, аммо хафа бўлиш йўқ. Бонг тугагач, чироқ яна ёқилади.

Грецияда Янги йилга таклиф қилинган меҳмонлар ўзлари билан тош олиб келади. Бунда хонадонга кираётганларида остонага отишсагина бойлиги, топгани тошдай қўзғалмасин, кўпайсин, деган удум ўз ифодасини топган.

Янги йилни Ҳиндистонда далалардаги мўл ҳосилни йиғиб олгач, 13 апрелда тантанавор нишонлаш удумлари мавжуд. Худди шу куни каттаю кичик баланд тепаликларга чиқиб варрак, қуроқ учиришиб, кимники баланд учса, албатта ғолиби тақдирланади. Сайилгоҳларда эса қўшиқлар янграб, тонггача рақсларга тушишсагина Янги йил омад келтирар эмиш.

Кореяда Янги йилни кутиб олиш ўзига хосдир. Корейслар хонадонларида байрамни нишонлагач, сайилгоҳларда тонг отгунча қўшиқлар айтиб, рақс тушиб, чарчагач, эшиги ланг очиқ истаган хонадоннинг энг азиз меҳмони бўлиб, тантанавор кутиб олинсагина хонадон соҳибларини омад ва бахт тарк этмас экан.

Камбоджада Янги йилни кутиб олишда байрам дастурхонига, албатта, 50 та янги тухумдан шакар солинган ажойиб тотли ширинликлар тайёрлаб, қўни-қўшниларни сийлашсагина Янги йил саломатлик, ишда омад, хонадонларда тинчлик, хотиржамлик келтиришига ишонишади.

Буни қарангки, бразилияликларда Янги йил кечаси оппоқ либослар кийишиб, хонадонларда шамлар ёқишиб, улар қанча узоқ ёнса, хонадон соҳиб ва соҳибалари шунча умр кўради, деган тушунча мавжуд экан.

Азизлар, 2013 йил — Обод турмуш йили барчангизга соғлиқ, омонлик, омад, хонадонингизга битмас-туганмас барака келтирсин!

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Халқ таълими фидойиси**

**Спорт янгиликлари**

# ЁШ ПАХТАКОРЧИ МОНАКОДА

***Жорий йил Эрон пойтахти Теҳрон шаҳрида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатида Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси қитъа чемпионлигини қўлга киритганидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.***

Қувонарли жиҳати шундаки, ушбу нуфузли турнирни кузатган хорижлик мутахассислар ёш футболчиларимиздан айримларига харидор бўла бошлашди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сафида ҳаракат қилган «Пахтакор» футбол академияси тарбияланувчиси Жамшид Болтабоев айни кунларда Монако шаҳрида.

Гап шундаки, Жамшид Болтабоевнинг ўйинига қизиқиб қолган «Монако» клубининг селекционер мураббийлари ҳозирда ёш пахтакорчини синовдан ўтказишмоқда. Агарда Жамшиднинг хатти-ҳаракатлари хорижлик мутахассисларни қониқтирса, у «Монако» футбол клуби шарафини ҳимоя қилиши мумкин.

***Ўзбекистон миллий терма жамоасининг етакчи ўйинчиларидан бири, Россиянинг «Анжи» клуби ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов яна сафга қайтди.***

# ОДИЛ АҲМЕДОВ ЯНА МАЙДОНДА

Ўтган мавсумда оёғидан жароҳат олиб, узоқ муддат шифокорлар назоратида бўлган Одил Аҳмедов куни кеча «Анжи» ҳамда Швейцариянинг «Янг Бойз» жамоалари ўртасида ўтказилган Европа лигаси гуруҳ босқичининг сўнгги тур беллашувида майдонга тушди. Гарчи учрашув швейцарияликларнинг 3:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланган бўлсада, Одил рақиб дарвозасига киритилган ягона голга муаллифлик қилди.

Ният қиламизки, келаётган мавсумда Одил Аҳмедов миллий терма жамоамиз сафида ўзининг ажойиб ўйинлари билан мухлисларимиз кўнглини ҳушнуд этади.

# МАШҒУЛОТ ЙИҒИНИ БААДА ЎТАДИ

***Келаётган янги йил футбол мухлислари учун ҳаяжонли лаҳзаларни тақдим этиши шубҳасиз.***

Энг аввало Ўзбекистон миллий терма жамоаси футбол бўйича 2014 йилда Бразилияда уюштириладиган жаҳон чемпионатида қатнашишга жуда яқин турибди. Сабаби, жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи тўртинчи босқичи гуруҳ баҳсларида муваффақиятли тўп сураётган Миржалол Қосимов шогирдлари ҳозирча турнир жадвалида карвонбошилик қилишмоқда. Таъкидлаш жоиз, жаҳон чемпионатига боришга бешинчи марта уринаётган миллий терма жамоамиз аввалги саралаш турнирларининг ҳал қилувчи босқичида бунчалик муваффақиятга эриша олмаган эди.

2013 йилда жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг тўртинчи босқич гуруҳ баҳслари давом эттирилади. «А» гуруҳида қатнашаётган миллий терма жамоамиз Ливан, Қатар терма жамоалари билан Тошкентда, Жанубий кореялик чарм тўп усталари билан сафарда тўп суради. Ушбу муҳим беллашувларга тайёргарликни терма жамоамиз анча вақтли бошлайдиган бўлди. Миржалол Қосимов шогирдлари 2013 йилнинг 20 январь — 1 февраль кунлари БАА да бўлишади. Бир ҳафтадан кўпроқ вақт мобайнида футболчиларимиз янги йилнинг дастлабки ўқув-машғулот йиғинини айнан юқоридаги мамлакатда ўтказишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

**Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур**

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Ўзига дахли бўлмаган гап ҳеч кимни ҳам қизиқтирмайди.**

* * *

**Осон эришилган нарса осон йўқотилади.**

* * *

**Тушни сира ёмонликка йўймаслик керак.**

* * *

**Дард инсонни ичдан емиради.**

* * *

**Эришмаган нарсанг азиз бўлади.**

* * *

**Ҳамма ҳам ўзидаги устунликни намойиш қилгиси келади.**

* * *

**Сен кимдан гина қиласан, ким сендан гина қилади.**

* * *

**Аламини ишдан олган ютади.**

* * *

**Табиатга жаҳл қилиш беҳуда.**

* * *

**Ҳаётнинг ўзи кишини кўп нарсага мажбур қилади.**

* * *

**Чек-чегарасиз бахтни орзу қилган кўпинча унинг бир заррасига ҳам эришолмайди.**

* * *

**Энг беташвиш ҳаёт – ота-она бағрида.**

* * *

**Биз ҳаётнинг қошида ҳамиша ҳали кўзи очилмаган гўдакка ўхшаймиз.**

* * *

**Юрак то уриб турар экан, севишдан тўхтамайди.**

* * *

**Бошқаларга нисбатан ҳамиша талабчанмизу ўзимизга қолганда кўнгилчан.**

* * *

**Ўзингки ўзингнинг қадрингга етмагач, бошқалардан нима гина?**

* * *

**Катта давралар одамни пишитади.**

* * *

**Мард ўлимини бўйнига олиб яшайди.**

* * *

**Ўзини асрамаганнинг боши касалдан чиқмайди.**

* * *

**Бировнинг душманига айланиш учун унинг бирор-бир айбини кўрсатишнинг ўзи кифоя.**

* * *

**Ҳеч ким камчилигини биров юзига солишини истамайди.**

* * *

**Айбини тан олган ҳам кўнглида кек сақлайди.**

* * *

**Гапга полвон, ишда нотавон.**

* * *

**Бошқаларга талаб қўйишга ҳаммамиз устамиз.**

* * *

**Худбиндан садоқат кутманг.**

* * *

**Номардга мардлик қилсанг ҳам душманликдай қабул қилади.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Икромбек Бердибековга синглиси

**ИНОЯТХОНнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ЎЗГИДРОМЕТ**
**ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **29 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 11-13, кундузи — 2-4 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **29 декабрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1241

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4795 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 16.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5